



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адхам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Рахбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат  
техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий  
университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий  
университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий  
университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

|   |    |
|---|----|
| <b>1.Гулчехра Азизовна Агзамова</b><br>XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН<br>УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН.....  | 4  |
| <b>2.Илёсхон Мухиддинович Бурхонов</b><br>«ЗАКОТ» - ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА АДОЛАТ<br>ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ.....   | 11 |
| <b>3.Зумрад Касимова</b><br>УЙЎУР АДАБИЁТИ ТАРИХИДА АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИНИНГ<br>ЎРГАНИЛИШИ.....  | 16 |
| <b>4.Муродулла Мирзаев</b><br>ЎЗБЕКИСТОН АСОСИЙ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ<br>ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ.....  | 21 |
| <b>5.Сайёра Турғуновна Мирсоатова, Раънохон Ўринбой қизи Аҳмадалиева</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДА МЕЗОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ.....  | 30 |
| <b>6.Акмалжон Марозиқов</b><br>ФАРҶОНА ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ<br>РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ –ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....  | 37 |
| <b>7.Shoirra Sayfiyevna Ochilova</b><br>O'RTA ASR UYG'ONISH DAVRI SHARQ ALLOMALARINING<br>INSONPARVARLIK - GUMANISTIK G'OYALARI.....                                    | 43 |
| <b>8.Нилуфар Ахматовна Жумаева, Феруза Холмаматовна Утаева</b><br>ЗИРОАТЧИЛИК ҲОМИЙСИ - БОБОДЕҲҚОН БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ<br>ВА МАРОСИМЛАР (Бухоро воҳаси мисолида)..... | 49 |
| <b>9.Dilrabo Shomurodovna Murodova</b><br>BUXORO VILOYAT DAVLAT ARXIVI MANBALARINING O'ZBEKISTON<br>TARIXINI YORITISHDAGI ANAMIYATI.....                                | 56 |
| <b>10.Жасур Жамшитжонович Якобжанов</b><br>МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ<br>ДАВЛАТЧИЛИГИ МАСАЛАСИ.....  | 61 |
| <b>11.Гулсина Исмойиловна Ҳошимова</b><br>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ<br>МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ.....   | 68 |
| <b>12.Kurbanov Golib Negmatovich</b><br>SO'NGGI O'RTA ASRLAR BUXORO AN'ANALARI VA MAROSIMI.....   | 74 |

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Гулчехра Азизовна Агзамова,  
Тарих фанлари доктори, профессор  
ЎзР ФА Тарих институти

## XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН

**For citation:** Gulchehra Azizovna Agzamova. FROM THE HISTORY OF URBANIZATION PROCESSES HAPPENING IN KHOREZMIN XVI - THE FIRST HALF OF THE XIX CENTURY. Look to the past. 2020, vol. 5, issue 3, pp. 4-10



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-5-1>

### АННОТАЦИЯ

Мақола XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразмда кечган урбанизацион жараёнлар тарихининг айрим масалаларига бағишланган. Унда Хоразмда янги шаҳарларнинг вужудга келиши, айрим марказларнинг таназзули ва шаҳарлар тараққиётида давлатчиликнинг туган ўрни масалаларининг баъзи жиҳатлари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** Хоразм, жамият, тараққиёт, давлатчилик, шаҳарлар, урбанизацион жараёнлар, ички ва ташқи савдо, сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, савдо-иқтисодий марказ.

Гулчехра Азизовна Агзамова,

доктор исторических наук, профессор  
Институт истории Академии наук Республики Узбекистан

## ИЗ ИСТОРИИ УРБАНИЗАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ, ПРОИСХОДИВШИХ В ХОРЕЗМЕ В XVI – ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XIX В.

### АННОТАЦИЯ

Статья посвящена некоторым вопросам истории урбанизационных процессов, протекавших в Хорезме в XVI - первой половине XIX в. В ней показаны некоторые особенности появления новых городов, кризиса отдельных центров и места государственности в развитии городов.

**Ключевые слова:** Хорезм, общество, развитие, государственность, города, урбанизационные процессы, внутренняя и внешняя торговля, политическая и экономическая жизнь, торгово-экономический центр.

Gulchehra Azizovna Agzamova,

doctor of Historical Sciences, Professor  
Institute of History of the Academy of Sciences  
of the Republic of Uzbekistan

## FROM THE HISTORY OF URBANIZATION PROCESSES HAPPENING IN KHOREZM IN XVI - THE FIRST HALF OF THE XIX CENTURY

### ABSTRACT

The article is devoted to some questions of the history of urbanization processes that took place in Khorezm in the XVI - first half of the XIX century. It shows some features of the emergence of new cities, the crisis of individual centers and the place of statehood in the development of cities.

**Index Terms:** Khorezm, society, development, statehood, cities, urbanization processes, internal and foreign trade, political and economic life, trade and economic center.

### 1. Долзарблиги:

Шаҳарлар жамият тараққиётининг ва мамлакатда яшаган аҳоли маданий ривожининг бир кўрсаткичи сифатида худуд ҳаётида муҳим ўрин тутганлар. Уларнинг – сиёсий, маъмурий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт марказлари сифатидаги мавқеи Ўзбекистон тарихининг ҳамма даврларида ниҳоятда кучли бўлган. Шу билан бирга бир маромда кечмаган сиёсий воқелик заминида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг юксалиш ва инкирозлардан иборат нотекис кечишига ҳамоҳанг равишда шаҳарлар ҳам турли кечмишларни кечирганлар. Шаҳарлар давлатчилик тараққиётини кўрсатувчи мезонлардан бири бўлиб, улар тарихини ўрганиш ўзбек давлатчилиги тараққиётининг турли даврлардаги ҳолатини тўғри таҳлил қилишга ёрдам беради. Буни XVI-XIX асрнинг биринчи ярмидаги Хива хонлиги шаҳарлари мисолида яққол кузатиш мумкин.

### 2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразмда кечган урбанизацион жараёнлар тарихи тадқиқ этилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

XVI аср бошларида Хоразмда Ҳазорасп, Хива, Вазир, Урганч, Кат, Янгишаҳр, Тирсак каби шаҳарлар мавжуд бўлиб, улар Моварауннаҳрда бўлгани каби олий ҳукмдорнинг оғанилари, қариндош-уруғларига бошқарув учун бўлиб берилар эди. Улар бу шаҳарлар ҳисобига кун кечирар эдилар.

Хоразм шаҳарлари ичида энг азими бўлган Урганч Маҳмуд ибн Валининг (XVII аср) кўрсатишича, “Қадимги форслар подшолари давридан” бошлаб Хоразмнинг пойтахти бўлган. Шаҳарнинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги мавқеи ҳамма даврларда юқори эди. XIV асрда араб сайёҳи Ибн Баттутанинг Кўҳна Урганч ҳақидаги қуйидаги маълумоти илгарироқ даврга тааллуқли бўлсада, у бу шаҳарнинг катталигини ёрқин намойиш этади. “Бу туркларнинг катта, муҳим ва чиройли ва улғувор шаҳри бўлиб, унинг ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иморатлари ва жозибатор, кўркам жойлари бор. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолиси шунчалик кўпки – у мавжланиб турган денгизни эслатади”, – деб қайд этади [1,Б.58].

XVI аср ўрталарига келиб пойтахт бўлган бу шаҳар мамлакатда ҳукм сурган сиёсий курашлар ва ўзаро урушларнинг марказларидан бирига айланиб қолди. Антони Женкинсон шаҳар “7 ой мобайнида тўрт марта қўлдан-қўлга ўтган; шунинг учун шаҳарда савдогарлар жуда кам бўлиб, улар жуда камбағал”, – деб кўрсатиб ўтади [2,С.90].

XVI асрнинг 70 - йилларига келиб пойтахт шаҳарнинг сиёсий ва иқтисодий мавқеига барҳам берган яна бир воқеа содир бўлиб, у шаҳарни сув билан таъминлаган Амударёнинг ўз йўналишини ўзгартириши билан характерланади. Бу табиий офат натижасида шаҳар сувсизликка учраб, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги етакчи мавқеини йўқота борди. Хива хонлигининг биринчи шаҳари мавқеини бошқа марказ – Хива эгаллай бошлади. Маҳмуд ибн Вали бу воқеа ҳақида шундай ёзади: “Ҳозирда, Жайхуннинг ундан (Урганчдан – Г.А.) кетиши натижасида пойтахт унга (Хоразмга – Г.А.) тегишли Хивага кўчирилган”[3,С.43]. Бу ўринда Хива хони Абулғозининг ушбу маълумоти ҳам диққатга

сазовордир. У ёзади: “Биз дунёга келмасдан ўттиз йил илгари Аму суви, Хост минорасининг юқорисини Қора айғир тўқайи дерлар, ул ердин йўл ясаб оқиб, Тук қалъасина бориб, Сир тенгизина куйғон эркандир. Ул сабабдин Урганч чўл бўлубти. Раъият Урганч чўл бўлса ҳам ўлтуруб, хон бошлиқ сипоҳ халқи ёз Аму сувининг ёқасинда муносиб ерларда экин экиб ўлтуриб, экинни олгандин Урганч борурлар эркандир”[4,Б.167]. Келтирилган бу маълумотдан Абулғози туғилган – 1603 йилдан ўттиз йиллар илгарироқ – 1570 йилдаёқ Урганч сувсизликка учраганлиги аён бўлиб, хон бошлиқ сипоҳлар томонидан эса сувли ерда экин экилиши шаҳар иқтисодий ҳаётини бир маромда ушлаб туришга ҳаракат қилинганлигини кўрсатиб, шаҳар бирданига ташлаб кетилмаганлигидан далолат беради.

Хиванинг хонлик пойтахтига узил-кесил айланиши 1611-1612 йилларга тўғри келиб, бу даврда олий ҳукмдорлик қилган Араб Муҳаммадхон ҳукмронлиги билан характерланади. XIX асрга оид манбада: “Араб Муҳаммадхон отасидан сўнг пойтахт шаҳар Хивада ҳукмдор бўлди”, – деб қайд этилган эди [5,Б.448].

Хиванинг пойтахт шаҳарга айланиши ҳақида Араб Муҳаммадхоннинг ўғли, кейинчалик Хива тахтига ўтирган Абулғозининг куйидаги атрофлича маълумоти асосланган ҳолда фикр юритиш мумкин. Муаррихнинг баёнидан аён бўладики, Бухоро хони Абдуллахон II нинг Хоразмни ўз тобесига айлантиргач, хивалик тахт даъвогарлари бўлмиш Хожи Муҳаммадхон ўғли Араб Муҳаммад билан Казвинда Шоҳ Аббос саройида паноҳ топган бўлиб, Абдуллахон II ва унинг ўғли ўлимидан сўнггина Хоразмга қайтиб, хонликни қўлга киритган. Бу ҳақида “Хевак бирлан Катни Араб Муҳаммадхон олди. Ҳазораспни Асфандиёр-султонга бердилар”, – деб ёзади у [4,Б.157-158]. Отасининг вафотидан кейин эса “Ўғли Араб Муҳаммад султонни хон кўтардилар”, – деб таъкидлаган Абулғози, Араб Муҳаммад ўзига тегишли Кат вилоятидан Асфандиёр-султон фойдасига воз кечганлигини алоҳида қайд этиб ўтади. Бундан аён бўладики, хоннинг ихтиёрида Хива шаҳри қолган бўлиб, у мамлакатни шу ердан туриб бошқарган. Буни муаррихнинг куйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди. Унинг ёзишича, Араб Муҳаммадхон хон бўлганидан олти ой ўтганидан сўнг Урганчга Ёйиқлик рус казакларидан минг киши хужум қилиб шаҳарни қўлга киритган бўлиб, бу вақтда эса, “Хоннинг ўрдуси ва сипоҳ халқи Аму сувининг лабинда эрдилар. Хевакда хонга киши чобтурдилар” [4, 158-159].

Хива узил-кесин хонлик пойтахт шаҳарга айланганига қадар ҳам мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. XVI-XVII аср бошларида у ҳукмрон сулола вакилларига бошқариш учун берилар эди. Айрим йилларда эса, бу шаҳар мамлакатнинг сиёсий маркази вазифасини ҳам ўтаган. Атоқли олим Я. Ғуломов: “1556 йили Бучғахоннинг ўғли Дўст Муҳаммад Хивани ўз пойтахтига айлантирди”, – деб ёзганида ҳақ эди [6,С.4]. Буни Абулғозининг куйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди. “Бучғахоннинг ўғлонлари Эш, Дўст ва Бурам Хевак ва Ҳазорасп ва Катда бўлади... Эш султоннинг хотири учун акаси Дўстни хон қилдилар. Хевак акамники, менга Урганчни беринглар деб тилади...”[4,Б.139]. Муаррих томонидан келтирилган бу воқеа давомидан аён бўладики, Дўст Муҳаммад мамлакатни шу шаҳардан туриб бошқарган. Буни Муниснинг куйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди. Тарихчи Дўстхон ҳақида “Пойтахт шаҳар Хивада биринчи бўлиб тахтга ўтирган киши”, – деб ёзган эди [5,Б.445].

Шу тариқа мамлакатнинг сиёсий марказига айлана борган Хиванинг савдо-иқтисодий марказ сифатидаги аҳамияти ҳам ошиб борди. Маҳмуд ибн Вали томонидан “Хива – кенг шаҳардир” деб таъриф берилган бу марказ мамлакат иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшди. Шаҳарда турли-туман ҳунармандчилик соҳалари ички савдо билан узвий алоқадорликда ривожланган эди. Пойтахт шаҳарнинг тараққиётида ички савдо билан биргаликда ташқи савдонинг аҳамияти катта эди. Хивалик савдогарлар катта карвонлар билан Бухоро ва Ўрта Осиёнинг бошқа савдо марказларига, Хуросон, Рум, Қозок даштлари, Россия ва бошқа узоқ-яқин ерларга борар эдилар. Ўзга юртлик савдогарлар ҳам Хивага турли моллар билан тез-тез келиб турар эдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ даркорки, Хиванинг мамлакат сиёсий, савдо-иқтисодий маркази сифатида ривожланиш жараёни сўнгги ўрта асрлар мобайнида бир текис

кечмади. Уруш-жанжаллар ва турли ички, ташқи ихтилофлар кўп ҳолларда мамлакат иқтисодининг, шу жумладан, пойтахт шаҳар Хива хўжалигини ҳам издан чиқариб юборгани тарихий манбаларда тез-тез қайд этиб ўтилади. XIX аср муаллифи Мунис XVIII асрнинг иккинчи ярмида Хива хони Ғойиб-хоннинг ўғли Жаҳонгирхон даврида Хивада кузатилган ҳолат ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни қайд этиб ўтади: “Унинг даврида ... Хивада вабо тарқалди... Беш-Қалъа шаҳарлари, уларнинг асосийси бўлган Хивак, таназзулга юз тутдилар. Хивакда қирқта камбағал оиладан бошқа ҳеч ким йуқ эди” [5,Б.474].

XIX асрнинг биринчи ярмида юзага келган нисбий сиёсий барқарорлик шаҳарлар, шу жумладан, Хиванинг ҳам юксалишига самарали таъсир кўрсатди. Шаҳарда катта қурилиш ишлари олиб борилди. Ушбу марказ ҳаётида муҳим роль ўйнаган Кўриниш-хона, Қутлумуод-иноқ мадрасаси, Паҳлавон-Маҳмуд мақбараси, Тошҳовли саройи, Оллакули-хон тими, Амин-хон мадрасаларини, хоннинг шаҳар четигаги Рафинек боғи ва бошқаларни XIX аср биринчи ярмида қурилган иншоотлар жумласига киритиш мумкин[6, С. 7-11, 35-36].

Шу тарзда, Хива 1512 йилда ташкил топган мустақил давлатнинг пойтахти сифатида қарийиб бир асрдан сўнг тарихий манбаларда қайд қилиниб, бутун сўнгги ўрта асрлар мобайнида мамлакатнинг етакчи шаҳри сифатида сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт мужассамлашган марказ тариқасида ривожланди ва мамлакат тараққиётига ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлигида ҳам бошқа Ўрта Осиё хонликларида кузатилгани каби мавжуд қадимий шаҳарларнинг ривожланиши билан бир қаторда баъзи шаҳарларнинг таназзулга юз тутиши, янги шаҳарларнинг вужудга келиш жараёни кечди. Бу жараёнга хос бир қанча умумий ҳолатлар мавжуд бўлиб, улар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, табиий-иқлимий шарт-шароитлар билан узвий боғланиб кетган эди. Шаҳарларнинг вужудга келиши ва тараққиёти кўп ҳолларда мавжуд табиий-иқлимий шарт-шароитларнинг турли ҳолатлари билан боғлиқ эди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўп ҳолларда сунъий суғориш билан узвий боғланган баъзи Хоразм шаҳарларининг инқирози ва янги шаҳарларнинг вужудга келиш жараёнини кузатиш орқали бунга амин бўлиш мумкин.

Хоразмнинг йирик марказларидан бири Вазир эди. XVI аср мобайнида бу шаҳар нафақат йирик савдо-иқтисодий ҳаёт марказини англаган ҳудудий-маъмурий бирликни билдирибгина қолмай, ўз навбатида айрим шаҳар ва қишлоқларни бирлаштирган сиёсий марказ ҳам эди. Бунга Абулғозининг қуйидаги сўзлари орқали амин бўлиш мумкин: “Қадим Вазирга тааллуқ ҳоким ўлтуратурған вилоятлар кўп эрди. Бузула-бузула Элбарсхон келган чоқда уч ҳоким нишин ер қолиб эрди. Аввал Вазир, иккинчи Янги Шаҳр, учунчи Тирсак” [4, Б.121-122]. Янги Шаҳр ва Тирсакни тадқиқотчилар Вазир атрофидаги унга қарам бўлган шаҳарлар жумласига киритадилар[7]. Шермуҳаммад Мунис эса уларни “Янги шаҳар ва Тирсак қишлоқлари” тарзида келтиради [5, Б.438]. Унинг бу маълумоти Янги шаҳар ва Тирсакнинг Вазир атрофидаги қишлоқлар асосида шаклланган, нисбатан кичикрок шаҳарлар бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни илгари суришга имкон беради.

Вазир XVI асрнинг биринчи ярмидаги айрим йилларда мамлакатнинг сиёсий маркази вазифасини ҳам ўтаган. Халқ оммасининг Эрон шоҳи ноиблари – доруғаларга қарши кўтарган ҳаракатлари оқибатида Вазирда ҳокимият тепасига келган Элбарсхонни, тарихчининг ёзишича “хон кўтардилар” [4,Б.124] ва Вазир бир муддат пойтахт вазифасини ўтаб турди. Буни Антони Женкинсоннинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди. У ўзи ва ҳамроҳларининг 1558 йил 7 октябрь куни “учта биродари билан яшаган подшо Азим-хон” (Ҳожимхон – Г.А.) истиқомат қилган “Селлизюр” (Вазир – Г.А.) кўрғони ҳақида ёзар экан, “Селлизюр кўрғони баланд тепаликда жойлашган; бу ерда хон деб аталадиган ҳукмдор яшайди”, – деб қайд этган эди[8, С. 176.]. Буни Абулғози-хон ҳам тасдиқлайди. “... тарих ҳижрий тўққиз юз олтмиш бешда, йилқи йилининг оёки эрди. Ҳожимхонни хон кўтардилар. Ул вақтда ўттиз тўққуз ёшинда эрди. Тақи Вазирни бердилар” [4,Б.140].

Вазир ҳақида ёзар экан, Антони Женкинсон яна қуйидагиларни алоҳида қайд этган эди: “Бутун бу мамлакат фойдаланадиган сув Оксусдан чиқарилган ариқлардан олинадики, бу дарёни қуришига олиб келади; шунинг учун у илгариги даврлардаги каби Каспий

денгизига куйилмайди. Яқин келажакда бутун бу мамлакат талон-тарож этилиб, Оксуснинг суви етишмаслиги оқибатида чўлга айланади” [8,С.174]. Дарҳақиқат, европалик кишининг башоратона айтган бу сўзлари яқин келажакда амалда нафақат Вазир, балки Хоразмнинг айрим бошқа шаҳарлари мисолида ҳам ўз тасдиғини топди. Бир вақтлар сунъий суғориш тизимларининг ривожланганлиги оқибатида яшнаган шаҳарлар инқирозга юз тута бошлади.

Сунъий суғориш каналлари шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улар шаҳарлар иқтисодий ҳаётининг ривожланиши билан бир қаторда бу марказлар хўжалик алоқаларининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эди. Шаҳарлар бир-бирлари билан турли йўллар билан боғланган эди. Хусусан, сув йўллари шулар жумласидан бўлиб, тарихчининг ёзишича, “Кема ул вақтда Урганч бирлан Вазирнинг орасиндан юрур эди” [4,Б.134]. Шаҳарларни боғлаган ва уларнинг хўжалик ҳаётида муҳим ўрин тутган ушбу сув йўли Амударёнинг чап ирмоғи бўлиб, у ўз ўзинини юзгартириши оқибатида бу шаҳарлар сувсизликка дучор бўлдилар[9,С.85]. Абулғозининг ёзишича, бу воқеа (юқорида таъкидланганидек) унинг туғилган йилидан (1603) ўттиз йил илгари содир бўлган эди. Оқибатда Урганч сингари Вазир ҳам сувсизликка дучор бўлган эди. Вазир аҳли ҳам Урганч аҳолиси каби шаҳарни бирданига ташлаб кетганлари йўқ. Урганчда бўлгани каби Вазирда ҳам ҳукмдорлар шаҳар ҳаётини бир маромда ушлаб туришга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Абулғозининг отаси Арабмуҳаммадхон, Тук қалъасининг юқорисида бу шаҳарларни сув билан таъминлаган ариқ қаздирган. Бу ҳақида муаррих: ”Бизнинг хон Тук қалъасининг юқорисидан бир ариқ қаздириб турурлар. Фақир дунёга келмасиндин бир йил бурун. Мезон бўлганда сақасини кўмарлар эрди. Сувнинг оёқи Қуйғур борди. Андин Ачи тенгизига борди. Ёлғиз буғдой экилур эрди. Отли киши ўн кунда буғдойнинг тошиндин айланиб кела билмас эрди”, – деб қайд этади [4,Б.162]. 1593 йили Вазирни қамал қилган Бухоро ҳукмдори Абдуллахон ҳам сувсизликка учраган шаҳарни сув билан таъминлашга ҳаракат қилди. Унинг буйруғи билан қуриган дарё ирмоғи ёқалаб қудуқлар қазилиб, сув масаласи нисбатан ҳал қилинди. Лекин тез орада қаттиқ жазирама оқибатида улар ҳам қуриб қолдилар [9,С.258-259]. Бу ҳаракатлар нафақат Вазирни, балки Урганч ва Катни ҳам сувсизликдан қутқариб қола олмади, уларнинг аҳолиси яшаш жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Абулғозихон 1646 йилда Урганч аҳлини улар учун қурилган янги қалъага кўчирди. Янги қалъа бу ерда шаклланган шаҳар – Янги Урганчга асос бўлди. Бу воқеа ҳақида XIX аср муаллифи қуйидагиларни қайд этади: “У (хон – Г.А.) Урганч аҳолисини кўчирди, Хонқадан ғарбда қалъа қуриб (кўчиб келганларга) кўп ер берди. Ҳозир Урганч – жуда ободонлаштирилган ва гуллаб-яшнаётган ер бўлиб, Хоразмнинг бош савдо маркази ҳисобланади” [5, С.152]. Эски Урганч эса шу даврдан бошлаб “Кўҳна Урганч” деб атала бошлади.

Қайд этиб ўтиш лозимки, Кўҳна Урганч аҳоли томонидан ташлаб кетилиб, шаҳар танзулга юз тутган бўлсада, XIX асрнинг биринчи ярмида унинг қайта тикланиш жараёни юз берганини кузатиш мумкин. 1851 йилда Хоразмга Эрондан келган Ризақулихон элчилигининг ҳисоботидан аниқланадики, бу даврда Кўҳна Урганчга канал ўтказилган бўлиб, унда туркман-йомутлар деҳқончилик билан шуғулланар эдилар. “Кўҳна Урганч ҳозирда, Хива хони Муҳаммад Аминхоннинг ҳаракатлари билан маданий аҳволга кела бошлади”, – деб ёзади Ризақули-хон [10, С. 293].

XIX асрнинг 40-йилларида М. Иванин ҳам Кўҳна Урганч ҳақида ёзар экан “Бу ерда яқинда бозор таъсис этилди ва аҳоли кўчиб кела бошлади”, – деб қайд этади [11, С. 173-174].

Сувсизликдан таназзулга юз тутган шаҳарлар аҳлини янги барпо этилган қалъаларга кўчириш ва янги шаҳарларни барпо этиш ишлари Абулғозининг меросхўри Анушахон (1663-1687) даврида ўзининг юқори нуқтасига кўтарилди. Бу ҳукмдор сувсизликдан азият чеккан Вазир, Кат шаҳарлари аҳолисини бошқа ерларга кўчириб, улар учун янги шаҳарларга асос солди. Хусусан, бу ҳукмдор даврида Вазир аҳли янги бунёд этилган Кичик Вазирга ва Чигатойга кўчирилган эди. Бу воқеани муаррих қуйидагича шарҳлайди: “Ўша асрда Вазир аҳли икки гуруҳга бўлиниб (шаҳардан) кўчдилар: бир гуруҳ Гурландан шимолроқда қалъага

асос солдилар, бошқаси эса ҳозирда Чиғатой номи билан машхур Анбар ва Шоҳобод ўртасида қалъа қуриб, шу ерда жойлашдилар” [5, С.455; 9, С.178 ].

Анушахон даврида Янги Кат шаҳрига ҳам асос солинган. Бу шаҳар ҳам Хоразмнинг бошқа шаҳарлари каби сувсизликдан изтироб чекар эди. XVII асрда Маҳмуд ибн Вали об-хавоси анча салқин бўлган бу шаҳар ҳақида ёзиб, “унинг буғдойи ва мевалари яхшидир”, – деб қайд этар экан, афсус билан “ҳозирда у ташлаб кетилган”, – деб таъкидлайди [12, С.36]. Шаҳарнинг ташлаб кетилиши сабаблари ҳақида XIX асрга оид манба куйидагича маълумотни беради: “Анушахон даврида Кат дарёси куриб қолди ва унинг аҳолиси (фаровонлиги) таназулга юз тутди. Етти Гумбаздан шимолроқда хон улар учун кучли қалъа қурди, Ёрмиш деб аталган ариқ қаздириб, уни Оқ кўлга етказди” [5, С.454]. Узунлиги 96 км.ни ташкил этган бу канал Амударёдан қазилган бўлиб, Урганчдан 15 км. шарқдан ўтар ва Оқ кўлга қуйилар эди [13, С.200]. Шаҳар аҳли кўчирилган қалъа шу даврдан бошлаб Янги Кат деб атала бошланди ва шу тариқа янги шаҳарга асос солинди. Хувиллаб қолган Эски Катда аҳоли бу ерда жойлашган Шайх Аббос мазорини зиёрат қилиш учун келиб турар эди. XIX асрда бу ерда яна янги Шайх Аббос (Шаббос) номи билан шаҳар вужудга келди [13, С.202].

Анушахон даврида бошқа янги шаҳарларга ҳам асос солинди. Улардан бири Шоҳобод эди. Кўп саъй-ҳаракатларини кўшни давлатлар худудини босиб олишга қаратган Анушахон Хуросоннинг Машҳадини босиб олгач “шоҳ” унвонини қабул қилди. Бу воқеадан сўнг 1681 йилда Хива хукмдори томонидан “Хонқадан шимолроқда ва Янги Урганч ва Янги Катдан жануброқда катта ариқ қаздириб, уни Анбар ва Манакка етказди ва сув юборди. Анбардан шарқда у катта қалъа қурдирди ва уни Шоҳобод деб атади. Пур-Файз ариқнинг номи бўлсада, ҳозир у Шоҳобод ариғи сифатида машхур”, – деб ёзади тарихчи [13, С.200].

XVII асрнинг иккинчи ярмида Хива хонлигида яна бир шаҳар-қалъа – Ғозиобод вужудга келди. Я.Ғ. Ғуломовнинг таъкидлашича, туркманларни пойтахт шаҳарга ўтказмаслик мақсадида ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган бу шаҳар Абулғозихон томонидан қурилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас эди [13, С.207].

XVII аср охирида Хива хонлигида Ҳазорасп, Хива, Хонқа, Урганч, Шоҳобод, Кат, Гурлан, Вазир ва Ғозиобод шаҳарлари мавжуд эди. XVIII аср 20 – йилларида Ўрта Осиёда бўлган Флорио Беневени Хивада бешта шаҳар машхур саналиб, улар асосан, “Хива, Азарис (Ҳазорасп), Курланд (Гурлан), Органч (Урганч) ва Канаха (Хонқа)”дан иборат эканлиги кўрсатиб ўтади [14, С. 125].

Бу шаҳарлар асосан ҳар бири лой девор билан ўралган қалъалардан иборат бўлиб, одатда Хива тарихчилари бу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда Хива хонлигини “Беш-қалъа мамлакати” деб атаганлар [5, С.355]. Пойтахт шаҳар Хива эса “Беш-қалъа”га кирмаган. XIX аср муаллифи Абдулкарим Бухорийнинг ёзишича, Беш-қалъага – Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Кат ва Шоҳободлар кирган [9, С.178]. Хиванинг Беш-қалъага кирмаганлигини Муниснинг “Хивага бўйсунган Беш-қалъа мамлакати”, сўзлари ҳам тасдиқлайди [5, С.336]. Албатта буни қатъий чегаралаш сифатида қабул қилмаслик керак. Чунки Беш-қалъадан ташқари Хива хонлигида бошқа шаҳарлар ҳам мавжуд эди. Бу хусусда ёзган В.В. Бартольд “Беш-қалъа” термини Нодир-шоҳнинг 1740 йил юришлари баёни билан эслатиб ўтилганиги, “у даврдан бери қалъалар сони анча кўпайган бўлсада ҳозир ҳам ишлатилади ва “беш” сонига қайси қалъалар кирганлиги ҳақида баҳс чиқиши мумкин; ҳатто 1740 йилгача ҳам уларнинг сони кўп эди”, – деб қайд этади [9, С.178].

Шундай қилиб, Хива хонлигида XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида бир қатор шаҳарлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари баъзи тарихий, сиёсий, табиий-иқлимий шарт-шароитларга кўра тарих саҳнасида йўқола бордилар. Уларнинг ўрнига янги шаҳарлар вужудга кела бошладилар ва хонликнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида ҳамда давлатчиликнинг ривожланишида муҳим роль ўйнадилар. Юқорида таҳлил этилган маълумотлар шундан далолат берадики, янги шаҳарларнинг вужудга келиши бир қанча омиллар билан узвий боғланган бўлиб, уларнинг ичида сиёсий, табиий ва ижтимоий-иқтисодий сабаблар муҳим ўрин тутган. Янги шаҳарларнинг вужудга келиш жараёнида

давлатнинг роли катта эди. Ҳокимият тепасида турган ҳукмдорларнинг саъй-ҳаракатлари билан янги шаҳарларнинг ривожланиши учун керакли моддий асослар яратилди, таназзулга юз тутган шаҳарлар аҳолиси яшаш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган ерларга кўчирилди. Янги шаҳарлар давлатнинг раҳнамолиги, шаҳар жамиятининг турли ижтимоий қатламлари вакиллари ва унда яшаган аҳоли иқтисодий фаолияти ривожининг самараси сифатида тараккий этиб бордилар ва хонлик ҳаётида муҳим роль ўйнадилар.

### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарқ баёзи. – 1993. – 58-б. (Ibrohimov N. Ibn Battuta and his journey to Central Asia. - Т.: Sharq bayozı. - 1993. - 58-p.)
2. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С. 90. (Meyendorf E.K. Travel from Orenburg to Bukhara. - М.: Nauka, 1975. - S. 90.)
3. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География)/ Введ. пер. Б.А. Ахмедова. – Т.: Фан, 1977. – С. 43.
4. Абулғозий. Шажарайи турк /Нашрга тайёрловчилар Қ. Муниров, Қ. Махмудов. – Т.: Чўлпон, 1992. – 167-б.
5. Фирдавс ал-икбал // Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков (Извлечения из перс. и тюрк. соч.) / Сост.: С.К. Ибрагимов, Н.Н. Мингулов, К.А. Пищулина, В.П. Юдин. – Алма-Ата: Наука, 1969. – С. 448. Келгуси иқтибосларда - МИКХ.
6. Гулямов Я.Г. Памятники города Хивы // Труды Узбекстанского филиала АН СССР. Серия 1. История, археология. – Вып. III. – Т. – 1941. – С. 4.
7. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана // Соч. – Т. 3. М., 1965. – С. 176; Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Т.: Фан, 1957. – С. 174; Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М.: Изд. АН СССР, 1948. – С. 314.
8. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560 гг. // Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. / Пер. с англ. Ю.В. Готье. – М., 1938. – С. 176.
9. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана // Соч. – Т. 3. – С. 176; Ўша муаллиф. Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XVIII века // Соч. – Т. 3. – 85 - б.
10. Отчет о посольстве в Хорезм Риза-Кули-хана // Материалы по истории туркмен и Туркмении. XVI-XIX вв. Иранские, бухарские и хивинские источники Т. 2./ Под. ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1938 – Т. 2. – С. 293.
11. Иванин М. Хива и река Аму-Дарья // Туркестанский сборник. – Т. 50. – С. 173-174.
12. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. – С. 36.
13. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма. – С. 200.
14. Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. – М.: Наука, 1986. – С. 125.

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 5 СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 5**

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 5**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000